

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC.27.06.2017. FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**ХУДОЙБЕРДИЕВ ОЛЛОҚУЛ ИСАҚОВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ ДОРИВОР ЎСИМЛИК ХОМАШЁСИ АСОСИДА  
ДИУРЕТИК «ЭКУСТИМ» ДОРИ ВОСИТАСИНИ ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**15.00.01 - дори технологияси**

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)**

**Худойбердиев Оллокул Исакович**

Маҳаллий доривор ўсимлик хомашёси асосида диуретик «Экустим»

дори воситасини олиш технологияси ..... 3

**Худойбердиев Оллокул Исакович**

Технология получения диуретического лекарственного средства «Экустим»

на основе местного растительного сырья ..... 21

**Khudayberdiev Olloqul Isakovich**

Technology of obtaining diuretic drugs «Ekustim» on the based

of local plant raw material..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

Last of published works ..... 42

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC.27.06.2017. FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**ХУДОЙБЕРДИЕВ ОЛЛОҚУЛ ИСАҚОВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ ДОРИВОР ЎСИМЛИК ХОМАШЁСИ АСОСИДА  
ДИУРЕТИК «ЭКУСТИМ» ДОРИ ВОСИТАСИНИ ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**15.00.01 - дори технологияси**

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2018.1.PhD/Far31 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.pharmi.uz](http://www.pharmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Азизов Умархон Мухтарович</b> кимё фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Юнусова Холида Маннановна</b> фармацевтика фанлари доктори, профессор <b>Халилов Равшан Муратджанович</b> техника фанлари доктори, катта илмий ходим
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>«Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУК</b>

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc. 27.06.2017 Far. 32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» «\_\_\_\_\_» соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-ўй. Тел.:(+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: [pharmi@pharmi.uz](mailto:pharmi@pharmi.uz).)

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-ўй. Тел.:(99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.

(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**И.И. Алимджанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Ё.С.Кариева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ф.ф.д., профессор

**Ф.Ф.Урманова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда диуретик дори воситалар асосан юрак-қон томир патологияларида қўлланилади. Бугун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотини таъкидлаши бўйича катта ёшдаги (60-65 ёш) дунё аҳолисининг 50-65% да артериал гипертония кузатилади. Бугунги кунда диуретик воситалар асосан синтетик йўл билан олинади ва улар бир қатор ножўя таъсирларга эга. Шунинг учун маҳаллий доривор ўсимликлардан диуретик таъсирга эга препаратларни ишлаб чиқиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида организмда суяқлик йиғилиб қолиши билан кечадиган касалликларни сифатли даволаш учун юқори самарадорликка эга бўлган диуретик дори воситалар технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, доривор ўсимлик хомашёларидан фойдаланган ҳолда комплекс таркибли экстрактларни олиш; биологик фаол моддаларнинг тўлиқ ажралиб чиқишига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш; ушбу экстрактлар асосида самарали, қўллаш учун қулай дори турларини яратишни тақазо этмоқда.

Бугунги кунда республикамызда кенг қўламда амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳолини самарали, хавфсиз ва арзон дори воситалар билан таъминлаш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи бобида «фармацевтика саноатини янада жадал ривожлантириш, аҳоли ва даволаш профилактика муассаларини арзон, самарали ҳамда сифатли, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашни яхшилаш...»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу вазифаларни бажаришда «Зомин-фарм», «Паркент-фарм», «Сирдарё-фарм», «Косонсой-фарм», «Бўстонлик-фарм», «Нукус-фарм» каби эркин иқтисодий ишлаб чиқариш зоналарини ташкил этилиши, ушбу соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналиши сифатида катта аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, таъбиётда кенг қўлланиши мумкин бўлган ўсимликлар асосида олинadиган дори воситалар технологиясини ишлаб чиқиш долзарб илмий амалий масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора - тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармони ва мазкур фаолиятга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маълумки, доривор ўсимликларни халқ табобатида пешоб ҳайдовчи восита сифатида қўлланилиши Абу Али Ибн Сино ва бошқа олимларнинг ишларида кўрсатиб ўтилган. Х.Х. Холматовнинг «Растения Узбекистана с диуретическим эффектом» монографиясида маҳаллий пешоб ҳайдовчи ўсимликларнинг 44 таси келтирилган. Янги дори воситаларни, айниқса маҳаллий доривор ўсимлик хомашёсидан пешоб ҳайдовчи препаратларни яратишда республикамиз олимлари С. Искандаров, С.Н. Аминов, А.С. Тураев, Ш.Ш. Сагдуллаев, Х.М. Комилов, Ф.Ф. Урманова, У.М. Азизовларнинг олиб борган тадқиқотларини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

М.Д.Машковскийнинг «Лекарственные средства» китобида тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган диуретик доривор ўсимликлар: дала қирқ-бўғими ўти, бўтақўз гуллари, оддий арча меваси, ортосифон оталик барги, брусника барги, қайин куртаги, кўп компонентли пешоб ҳайдовчи №1, №2 йиғмалар келтирилган. Россия Федерацияси олимлари Н.Г. Ковалева, А.Ф. Гаммерман, Г.Н. Калаев, А.А. Яценко - Хмелевский, С.М. Николаев, Т.Д. Даржилов илмий ишларида бир қанча доривор ўсимликлар йиғмаси (комбинацияси) асосида олинган пешоб ҳайдовчи дори воситалари келтирилган. Доривор ўсимлик хомашёлари асосида диуретик дори воситаларини яратиш ва уларни таъсирини ўрганиш бўйича илмий изланишлар чет эл олимлари N. Kreiger, L.H. Opie, M. Rebuelta ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Мазкур диссертация ишида илк бор 8 хил доривор ўсимлик экстрактлари комбинацияси асосида янги диуретик дори воситаси таркибини ишлаб чиқиш, технологиясини яратиш, унинг асосида капсула дори турини ишлаб чиқиш ва сифат меъёрларини аниқлаш, фармакологик хоссалари ва безарарлигини ўрганиш, тиббиёт амалиётида қўллашга тавсия этиш юзасидан олиб борилган биринчи илмий изланиш ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институти ва Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти тадқиқот ишлари режасининг Ф6-001 «Маҳаллий доривор ўсимликлар асосида диуретик фаолликка эга бўлган дори воситаларини излаш ва қонуниятларини аниқлаш» (2012 – 2016) ва А-11-002 «Маҳаллий доривор ўсимликлар асосида диуретик фаолликка эга бўлган дори воситасини яратиш ва технологиясини ишлаб чиқиш» (2015 – 2017) мавзусидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** маҳаллий доривор ўсимликлар куруқ экстрактлари комбинацияси асосида янги диуретик «Экустим» дори воситасини таркиби ва технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

халқ табobatiда ишлатиладиган маҳаллий доривор ўсимликлар куруқ экстрактларини олиш ва уларни диуретик фаоллигини ўрганиш;

олинган куруқ экстрактлардан турли нисбатларда композициялар тайёрлаш ва юқори диуретик фаолликка эга бўлган куруқ экстрактлар композициясининг оптимал таркибини топиш;

шартли равишда «Экустим» деб номланган диуретик дори воситасининг оптимал таркибини топиш;

«Экустим» препарати субстанцияси ва унинг капсула дори шаклини олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

«Экустим» препарати субстанцияси ва капсула дори шаклини сифат назорати усуллари ишлаб чиқиш;

«Экустим» препарати субстанцияси ва капсула дори шакли учун керакли меъёрий техник ҳужжатларни (КФМ лойиҳалари ва тажриба-саноат технологик регламентларини) ишлаб чиқиш;

клиник олди фармакологик тадқиқотлар ўтказиш ва керакли меъёрий ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат Маркази» ДУК га топшириш;

«Экустим» препарати субстанцияси ва капсула дори шаклини олиш технологиясини корхона ишлаб чиқариш шароитида амалга ошириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида қуйидаги диуретик фаолликка эга доривор ўсимликлар: дала қирқбўғими ўти, тукли эрва ўти, янтоқ ўти, ер бағрлаган темир-тикан ўти, тубулғибаргли бўймодарон гули, бодринг уруғлари, маккажўҳори попуғи, қизилмия илдизи олинган ҳамда уларнинг кимёвий таркибидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** 8 хил доривор ўсимликлар аралашмаси куруқ экстрактини олиш, «Экустим» препарати субстанцияси ва капсула дори шакли технологиясини, сифат ва миқдорий таҳлил усуллари ишлаб чиқиш ва тегишли меъёрий техник ҳужжатларни тайёрлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишини бажаришда замонавий кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил усуллари, специфик фаоллиги ва безарарлигини аниқлашда фармакологик усуллардан фойдаланилди. Миқдорий таҳлилда спектрофотометрия («UV 1800» спектрофотометри Shimadzu Corp. АҚШ), титрлаш ва бошқа замонавий таҳлил усуллари қўлланилган. Натижаларни статистик таҳлил қилишда замонавий компьютер дастурларидан U-Вилкоксон - Манна - Уитни ва t - Стьюдент мезонларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор диуретик таъсирга эга 8 хил маҳаллий доривор ўсимликлар куруқ экстрактлари асосида «Экустим» дори воситасининг таркиби ва

технологияси ишлаб чиқилган;

«Экустим» субстанциясини олишнинг муайян шароитлари ва рационал технологиялари ишлаб чиқилган;

«Экустим» препарати капсула дори шаклининг илмий асосланган муайян таркиби ва технологияси яратилган;

«Экустим» препарати субстанцияси ва капсула дори шакли сифатини назорат қилиш ва стандартлаш усуллари ишлаб чиқилган;

«Экустим» препаратнинг диуретик фаоллиги ва безарарлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

«Экустим» субстанцияси ва капсула дори шаклининг турғунлигини табиий усулда аниқлаш йўли билан уларнинг сақланиш муддати белгиланган;

«Экустим» субстанция ва капсула дори шаклига тажриба-саноат регламентлари ҳамда меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган натижаларнинг ишончлилиги даражаси замонавий физик-кимёвий, биофармацевтик, фармакологик ва статистик усулларида фойдаланилганлиги, шунингдек, уларни саноат шароитида синовдан ўтказилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий доривор ўсимликларнинг диуретик фаоллигини ўрганиш ва улар асосида композиция тайёрлаш, таркиби 8 хил компонентдан иборат юқори диуретик фаолликка эга бўлган шартли равишда «Экустим» деб ном олган дори воситасини субстанцияси ва капсула дори шакли технологиясини ишлаб чиқариш имконияти яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган диуретик фаолликка эга бўлган маҳаллий «Экустим» препарати бўйича керакли ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУКга рўйхатдан ўтказиш учун топширилганлиги ҳамда «Экустим» субстанцияси ва капсула дори шаклини ишлаб чиқариш технологияси саноат миқёсида синовдан ўтказилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Яратилган «Экустим» препарати субстанцияси ва капсула дори шаклининг таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Экустим» диуретик дори воситасига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (IAP 05631, 2018 й). Натижада яратилган диуретик восита организмда суюқлик йиғилиб қолиши билан кечадиган касалликларни самарали даволаш имконини берган;

«Экустим» препарати субстанцияси ва капсула дори шакли учун корхона фармакопея мақолалари лойиҳалари ЎзР ССВ «Дори воситалари,

тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУКга рўйхатдан ўтказиш тақдим этилган (2019 йил 31 майдаги №29/01-345 хати, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Ушбу корхона фармакопея мақолаларининг тасдиқланиши маҳаллий хомашё асосида яратилган, иқтисодий жиҳатдан самарадор бўлган диуретик таъсир этувчи дори воситасини олиш имконини беради;

«Экустим» препарати субстанцияси ва капсула дори шакли учун тажриба-саноат регламентлари «Navkar Group» МЧЖ билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (ОПР 42 Уз-03873/04610617-1095-2018, ОПР 42 Уз-03873/04610617-1098-2019). Мазкур, ҳужжатнинг тасдиқланиши натижасида диуретик дори воситалар учун меъёрий ҳужжатларни ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилиши ва рўйхатга олиниши таъминланган.

**Тақиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тақиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий - амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тақиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 1 та ихтиро патенти олинган ва жами 16 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тақиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тақиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тақиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тақиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Диуретик доривор воситалар. Ўсимлик хомашёси асосида диуретик дори воситаларини ишлаб чиқаришнинг замонавий ҳолати»** деб номланувчи биринчи бобида халқ табobatiда ва тиббиётда қўлланиладиган диуретик воситалар ва ўсимликлар ҳақида адабиёт шарҳи келтирилган. Маҳаллий доривор ўсимликлар хомашёси комбинацияси асосида олинган дори воситасининг аҳамияти кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Тақиқот учун олинган хомашёлар ва дори воситаларининг сифатини баҳолаш усуллари”** деб номланган иккинчи бобида танланган таҳлил усулларини асослаш, асосий ва ёрдамчи моддалар,

қўлланилган физик ва физик-кимёвий таҳлил усуллари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Тадқиқотларда Давлат Фармакопеясидан ташқари, физик-кимёвий, спектрофотометрия, гравиметрия ва бошқа усуллар келтирилган.

Учинчи боб 8 хил маҳаллий доривор ўсимликлар хомашёси комбинацияси асосида олинган ва шартли равишда «Экустим» деб ном олган диуретик воситасини яратиш ва технологиясини ишлаб чиқишга бағишланган бўлиб, у «Экустим» **препарати субстанцияси ва капсула дори шаклини олиш технологияси**» деб ном олган.

Тадқиқотнинг биринчи босқичида халқ табобатида пешоб ҳайдовчи восита сифатида ишлатиладиган 14 хил маҳаллий доривор ўсимликларни 3 маротаба сувда 70-80 °С ҳароратда 1:30, 1:15 ва 1:7 нисбатларда 3 соат давомида экстракция қилиш орқали қуруқ экстрактлари олинган ва уларнинг диуретик фаоллиги ўрганилган (1-жадвал).

1-жадвалда келтирилган натижаларга кўра, ҳамма ўрганилган намуналар назорат гуруҳига нисбатан юқори диуретик фаоллик кўрсатди.

### 1 - жадвал

#### Доривор ўсимликлар қуруқ экстрактларининг унуми ва уларнинг диуретик фаоллиги (100 мг/кг дозада, $M \pm n$ , $n=90$ )

№	Хомашё	Қуруқ экстрактнинг унуми, %	Назорат гуруҳига нисбатан диуретик фаоллик, %
1.	Янтоқ ўти*	20,0	40,6
2.	Дала қирқбўғими ўти*	25,0	29,8
3.	Тукли эрва ўти (пол-пола)*	18,0	40,78
4.	Бодринг уруғи*	23,0	37,96
5.	Ер бағрлаган темиртикан ўти*	22,0	39,0
6.	Маккажўҳори попуги*	21,0	30,9
7.	Тубулғибаргли бўймодарон гули*	20,0	47,5
8.	Жилон жийда барги*	27,0	32,8
9.	Далачой ўти*	23,0	36,3
10.	Наъматак меваси*	42,0	33,0
11.	Оддий сули*	28,6	34,8
12.	Қизилмия илдизи	27,0	34,8
13.	Оддий арча меваси*	18,5	39,0
14.	Мойчечак гули*	29,2	38,3

\*- адабиётлардан олинган маълумотлар

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида юқори диуретик фаолликка эга бўлган қуруқ экстрактлар асосида бир хил нисбатда 6 (янтоқ ўти, тукли эрва

ўти, дала қирқ бўғими, бодринг уруғлари, маккажўҳори попуғи, ер бағрлаган темиртикан ўти), 7 (янтоқ ўти, тукли эрва ўти, дала қирқ бўғими, бодринг уруғлари, маккажўҳори попуғи, ер бағрлаган темир-тикан ўти, тубулғибаргли бўймодарон гули), 8 (дала қирқ бўғими ўти, тукли эрва ўти, янтоқ ўти, ер бағрлаган темиртикан ўти, тубулғибаргли бўймодарон гули, бодринг уруғлари, маккажўҳори попуғи, қизилмия илдизи) ва 9 (дала қирқ бўғими ўти, тукли эрва ўти, янтоқ ўти, ер бағрлаган темиртикан ўти, тубулғибаргли бўймодарон гули, бодринг уруғлари, далачой ўти, жилон жийда барги, наъматак меваси) компонентли композициялар (йиғмалар) олинди ва уларнинг диуретик фаоллиги ўрганилди. Қуйидаги 8 хил доривор ўсимликлар: дала қирқбўғими ўти, тукли эрва ўти, янтоқ ўти, ер бағрлаган темиртикан ўти, тубулғибаргли бўймодарон гули, бодринг уруғлари, маккажўҳори попуғи, қизилмия илдизидан бир хил нисбатда олинган композиция юқори диуретик фаоллик кўрсатди (жадвал 2).

## 2 - жадвал

### Олинган композиция (йиғма)ларнинг каламушларда пешоб ажралишига таъсири

№	Юборилган препаратлар	Ҳайвонлар сони	Юборилган препаратлар дозаси, мг/кг	Ажралган пешоб ҳажми		Диуретик фаоллик, %
				мл	%	
1.	Назорат гуруҳи	6	H <sub>2</sub> O	4,53±0,51	100	-
2.	6 хил доривор ўсимликлар курук экстракти йиғмаси	6	100	6,87±1,03	151,7	51,7
3.	7 хил доривор ўсимликлар курук экстракти йиғмаси	6	100	7,58±1,13	167,5	67,5
4.	8 хил доривор ўсимликлар курук экстракти йиғмаси	6	100	7,74±1,11	171,0	71,0
5.	9 хил доривор ўсимликлар курук экстракти йиғмаси	6	100	7,61±1,10	168,1	68,1
6.	Диуретик йиғма №2	6	15 мл/кг	7,19±0,65	158,0	58

Юқори диуретик фаоллик кўрсатган композицияни оптимал таркибини аниқлаш учун компонентларнинг турли нисбатлари ўрганиб чиқилди, олинган натижалар 3 - жадвалда келтирилган.

Ўтказилган фармакологик текширувлар шуни кўрсатдики, 3 - жадвалда келтирилган 5 та таркиб ҳам диуретик фаолликка эга экан. Бироқ 3, 4, 5 таркиблар 1, 2 таркибларга нисбатан юқори диуретик фаолликка эга экан. Энг юқори диуретик фаолликни 3 - таркиб кўрсатди ва унга шартли равишда «Экустим» (аввал «Уростим») деб ном берилди.

«Экустим» субстанциясини олиш усули ишлаб чиқилди, унга асосан

аввал 8 хил майдаланган маҳаллий доривор ўсимликлар аралашмаси куйидаги нисбатларда (алоҳида олинган ўсимликлар қуруқ экстрактларининг унумини инобатга олган ҳолда) дала қирқбўғими ўти, тукли эрва ўти, янтоқ ўти, ер бағрлаган темиртикан ўти, тубулғибаргли бўймодарон гули, бодринг уруғлари, маккажўҳори попуғи, қизилмия илдизи - 1 : 0,76 : 1,04 : 0,88 : 0,87 : 0,92 : 0,88 : 1,12 тайёрланган.

### 3 - жадвал

#### Ўрганилаётган йиғмаларнинг таркиби ва уларнинг 100 мг/кг дозада диуретик фаоллиги

Доривор ўсимликлар қуруқ экстрактлари	Диуретик композиция намуналарининг таркиби, %				
	1	2	3	4	5
Дала қирқбўғими ўти	11	10	<b>12,5</b>	14	15
Тукли эрва ўти (пол-пола)	12	14	<b>12,5</b>	11	10
Янтоқ ўти	10	12	<b>12,5</b>	14	13
Ер бағрлаган темиртикан ўти	13	12	<b>12,5</b>	13	13
Тубулғибаргли бўймодарон гули	14	15	<b>12,5</b>	10	12
Бодринг уруғи	14	15	<b>12,5</b>	10	12
Маккажўҳори попуғи	14	13	<b>12,5</b>	13	12
Қизилмия илдизи	12	13	<b>12,5</b>	14	11
Жами	100	100	<b>100</b>	100	100
<b>Диуретик фаоллик, %</b>	<b>62,2</b>	<b>60,6</b>	<b>71,0</b>	<b>65,2</b>	<b>66,4</b>

50 г ўсимлик хомашёси аралашмаси (дала қирқбўғими ўти - 6,7 г, тукли эрва ўти - 5,2 г, янтоқ ўти - 7,0, ер бағрлаган темиртикан ўти - 5,8 г, тубулғибаргли бўймодарон гули - 5,8 г, бодринг уруғлари - 6,2 г, маккажўҳори попуғи - 5,8 г, қизилмия илдизи - 7,5 г) экстракторга жойланиб, унга 1500 мл иссиқ сув (1 : 30 нисбатда) солиниб, қайнаётган сув ҳаммомида 1,5 соат давомида аралаштириш орақли экстракция (биринчи экстракция) қилинди, сўнг филтрланиб, қолдиққа 750 мл иссиқ сув (1 : 15 нисбатда) (иккинчи экстракция) солиб, экстракция 60 дақиқа давом эттирилди, кейин филтрланди ва қолдиққа 375 мл иссиқ сув солиб (1 : 7 нисбатда) учинчи экстракция 30 дақиқа давомида ўтказилди.

Олинган сувли экстрактларни қўшиб, 2 суткага 10 °С ҳароратда қолдирилди, чўккан балласт моддалар ажратилди ва суюқ экстракт вакуум остида 70 °С ҳароратда ҳайдаш йўли билан қуюқ ҳолатга келтирилди. Олинган қуюқ экстракт вакуум-қуритгичда 70°С да доимий оғирликка келгунча қуритилди. Қуруқ экстракт унуми 9,6 г (19,2 %) ташкил қилди.

Олинган қуруқ экстрактда («Экустим» субстанцияси) асосий таъсир этувчи моддалар миқдори (органик кислоталар, флавоноидлар ва ошловчи моддалар йиғиндиси миқдори) ХІ ДФ бўйича аниқланди (4 жадвал).

8 хил доривор ўсимликлар аралашмасининг экстракцияси 40 %, 70 % этил спиртида 1 : 20 нисбатда мацерация усули билан хона ҳароратида 5 кун давомида олиб борилди, олинган натижалар 5 - жадвалда келтирилган.

**4 - жадвал****«Экустим» субстанциясидаги асосий таъсир этувчи моддалар**

№	«Экустим» субстанцияси	Флавоноидлар йиғиндиси миқдори, %	Органик кислотлар йиғиндиси миқдори, %	Ошловчи моддалар йиғиндиси миқдори, %
1.	Алоҳида доривор ўсимликлар қуруқ экстрактларидан олинган аралашма	1,39	5,95	3,51
2.	8 хил доривор ўсимликлар аралашмасидан олинган қуруқ экстракт	1,38	6,05	3,43

**5 - жадвал****Экстрактив моддалар миқдорини экстракция вақтига боғлиқлиги**

Экстракция шароити	Экстракция довомийлиги, кун				
	1	2	3	4	5
	Экстрактив моддалар миқдори, %				
40 % этил спирти	11,59	13,75	14,85	15,1	15,4
70 % этил спирти	8,54	9,87	10,38	11,87	12,03

5 - жадвалдан кўриниб турибдики, 4-5 кун хомашё - экстрагент системасида мувозанат ўрнатилиши учун оптимал вақт ҳисобланиб, бунда экстрактив моддалар миқдори 40 % этил спиртида 15,1 % дан 15,4 %, 70 % этил спиртида эса 11,87 % дан 12,03 % гача ташкил қилди. Шу билан бирга 8 хил доривор ўсимликлар аралашмаси экстракцияси 40 % ва 70 % этил спиртида 1 : 20 нисбатда, 55 - 60 °С ҳароратда 6 соат давомида ўрганилди. Натижалар 6-жадвалда келтирилган.

**6 - жадвал****Экстрактив моддалар миқдорини экстракция вақтига боғлиқлиги, t-55-60 °С**

Экстракция шароити	Экстракция довомийлиги, соат		
	2	4	6
	Экстрактив моддалар миқдори, %		
40 % этил спирти	14,70	15,10	15,60
70 % этил спирти	11,08	12,07	12,20

6 - жадвалдан кўриниб турибдики, 40 % этил спирт ёрдамида 6 соат давомида олиб борилган экстракция жараёнида экстрактив моддаларнинг миқдори 15,6 % ташкил қилди.

7 - жадвалда қуруқ экстрактлар йиғиндиси унумини сув ва спиртда олиб борилган экстракция жараёнининг солиштирма натижалари келтирилган.

## Курук экстрактлар унуми («Экустим» субстанцияси)

№	Экстракция шароити	Хомашё, г	Курук экстракт йиғиндиси унуми	
			г	%
1.	Доривор ўсимликлар аралашмасини 3 маротаба сувда экстракцияси, t-80-85 °С	50	9,6	19,2
2.	Доривор ўсимликлар аралашмасини 40 % этил спиртида хона ҳароратида 5 кун давомида экстракцияси	50	7,7	15,4
3.	Доривор ўсимликлар аралашмасини 40 % этил спиртида экстракцияси, t-55-60 °С, 6 соат давомида	50	7,8	15,6
4.	Доривор ўсимликлар аралашмасини 70 % этил спиртида хона ҳароратида 5 кун давомида экстракцияси	50	6,02	12,03
5.	Доривор ўсимликлар аралашмасини 70 % этил спиртида экстракцияси, t-55-60 °С, 6 соат давомида	50	6,1	12,2
6.	Доривор ўсимликлар аралашмасини сувда t-80-85 °С, 2 соат давомида, тажриба – саноат қурилмасида	50	9,25	18,5

Сувда экстракция олиб борилганда курук экстрактнинг юқори унуми 19,2 % ни ташкил этганлигини инобатга олиб, кейинчалик экстрагент сифатида сув олинди.

«Экустим» субстанцияси ишлаб чиқариш технологияси «Navkar Group» МЧЖ тажриба - саноат қурилмасида қуйидаги шароитда олиб борилди.


«Экустим» субстанцияси ишлаб чиқариш технологик схемаси 1 - расмда, аппаратура схемаси 2 - расмда келтирилган.

450 л ҳажмдаги аралаштиргич билан жиҳозланган Р-3 экстракторига, олдиндан майдаланган ва тортилган 10 кг миқдордаги қуйидаги доривор ўсимликлар хомашёси: 1,340 кг дала қирқбўғими ўти, 1,040 кг тукли эрва ўти, 1,400 кг янтоқ ўти, 1,160 кг ер бағрлаган темиртикан ўти, 1,160 кг тубулғибаргли бўймодарон гули, 1,240 кг бодринг уруғлари, 1,160 кг маккажўҳори попуғи, 1,500 кг қизилмия илдизи аралашмаси солинди.

Р-3 экстракторига М-2 ўлчагичдан 160 л тозаланган сув солинди ва ҳарорат 80-85 °С қиздирилади ва 2 соат давомида аралаштирилиб экстракция қилинади. Олинган аралашма С-5 йиғичга солинади ва филтрлаш учун Ц-6 центрифуга (ФМБ 633) аппаратида юборилади ва 10 минут давомида центрифугани ишлатиб, филтрланган экстракт 140 л миқдорида ажратиб олинади ва С-5 йиғичга йиғилади

Филтрлаб олинган 140 л ҳажмдаги экстрактни қуюлтириш учун И-6 вакуум - буғлатиш аппаратида юборилади, 60 - 70 °С ҳароратда 0,7-0,8 атм

босим остида қуюлтирилади. Ҳайдалган сув миқдори 125 л етганида буглатиш тўхтатилади. Олинган 15 л миқдордаги қуюқ экстракт махсус



1 – расм. «Экустим» субстанциясини ишлаб чиқариш технологик чизмаси.

идишларга солиниб, вакуум қуритгич аппаратида (ВСШ-7) 60 - 70 °С ҳароратда вакуумда қуритилади.


Олинган 1,95 кг миқдордаги қуруқ экстракт TP 2.3. босқичига майдалаш учун юборилади ва майдалагич ёрдамида майдаланиб, 0,25-0,5 мм ли элакдан ўтказилиб, қадоқлаш учун юборилади. «Экустим» субстанцияси унуми 18,5 % ни ташкил этди.

«Экустим» субстанцияси жигарранг кукун бўлиб, ўзига хос ҳидга эга, сувда яхши эрийди. «Экустим» субстанциясини олиш технологияси «Navkar Group» МЧЖ тажриба-саноат шароитида синовдан ўтказилиб олинган натижалар асосида, тажриба саноат регламенти тузилди ва ушбу технология ишлаб чиқаришга жорий этиш учун қабул қилинди.

*«Экустим» препаратининг капсула дори шаклини ишлаб чиқиш*

«Экустим» субстанциясини диуретик фаоллигини аниқлаш бўйича ўтказилган дастлабки клиник олди тадқиқотлар натижалари асосида оптимал бир марталик доза 0,35 г эканлиги кўрсатилди.

Олинган «Экустим» субстанцияси турли хил физик – кимёвий хоссаларга эга бўлган ўсимликлар қуруқ экстрактлари йиғиндисидан иборат бўлгани учун ундан капсула дори шаклини тайёрлаш учун унинг технологик хоссалари ўрганилди ва натижалар 8-жадвалда келтирилган.



**2-расм. «Экустим» субстанциясини ишлаб чиқаришнинг аппаратура схемаси.**

1 - ИМ - майдалагич; 2 - М - ўлчагич; 3 - Р - экстрактор; 4 - Ц - центрифуга; 5 – Е - йиғувчи идиш; 6 - И - вакуум-буғлатиш аппарати; 7 - ВСШ- вакуум - қуритгич шкафи.

8 - жадвал

**«Экустим» субстанциясининг технологик хоссаларини ўрганиш натижалари**

№	Ўрганилаётган кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Олинган натижалар
1.	Фракцион таркиб	мкм, %	
	+1500		0,07
	-1500		5,14
	-1000		65,95
	-630		22,4
	-500		12,53
	-400		7,45
	-315		6,72
	-63		0,03
	-50		
2.	Сочилувчанлик	кг/с10 <sup>-3</sup>	6,76
3.	Сочилувчан зичлик	кг/м <sup>3</sup>	800
4.	Қолдиқ намлик	100 °С, %	6

Олинган маълумотларга кўра, ўрганилаётган қуруқ экстракт капсула дори турини олиш учун қониқарли технологик хоссаларга эга эмас, бу эса капсулалар таркибига ёрдамчи моддалар киритиш зарурлигини кўрсатади.

«Экустим» субстанцияси таҳлили унда 6 % атрофида намлик сақланишини ва у гигроскопик модда эканлигини кўрсатди. Юқорида кўрсатилган омилларни ҳисобга олиб, «Экустим» препарати капсула дори шаклини тайёрлаш учун 9-жадвалда келтирилган ҳар хил ёрдамчи моддалар ишлатилди.

## 9 - жадвал

### «Экустим» капсулаларининг компонентлар таркиби (мг)

Таркиб	1	2	3	4	5	6
Экустим субстанцияси	350,0	350,0	350,0	<b>350,0</b>	350,0	350,0
Аэросил 200	-	5,0	2,0	-	2,0	5,0
МКЦ	80,0	70,0	74,0	<b>95,0</b>	50,0	-
Кросповидон	-	2,0	1,0	-	1,0	2,0
Лактоза ангидриди	-	-	-	-	44,0	
Кальций стеарат	-	3,0	3,0	<b>5,0</b>	3,0	3,0
Картошка крахмали	20,0	20,0	20,0	-	-	90,0
Умумий оғирлиги	450,0	450,0	450,0	<b>450,0</b>	450,0	450,0


Сўнгра ҳар бир намуналарни 96 % этил спирти, 2 %, 5 % крахмал шилимшиғи, 2 %, 3 % МЦ, Na-КМЦ геллари ва қанд қиёми билан оптимал масса ҳосил бўлгунча намладик. Гранула ҳолидаги прессланадиган масса крахмал шилимшиғи, тўғридан-тўғри МЦ, Na-КМЦ гелларни ва қанд қиёмини ишлатганда яхши натижа бермади. Тажриба натижалари кўра, гранула олиш учун боғловчи модда сифатида 96 % этил спирти ишлатилиши прессланадиган масса учун оптимал деб топилди.

Капсула физик-кимёвий хоссалари таҳлили XI ДФ талабларига кўра ўтказилди. Ўтказилган таҳлил натижалари 6 та ўрганилган таркибдан 4 ва 6 таркиблар ижобий технологик хоссалар намоён қилишини кўрсатди. Аммо Ўзбекистон Республикасида МКЦ ни ишлаб чиқарилишини инобатга олган ҳолда келажакда «Экустим» капсуласини ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун 4 таркибни танладик.

4 - таркиб бўйича тайёрланган капсулаланадиган массанинг технологик хоссаларини ўрганиш натижалари 10 - жадвалда келтирилган.

«Экустим» капсуласини олиш учун 35,0 г майдаланган қуруқ экстрактга 9,5 г МКЦ қўшилди ва ҳосил бўлган массани чинни ҳавончада бир хил масса ҳосил бўлгунча аралаштирилди. Сўнг ҳосил бўлган масса 96 % этил спирти билан намланиб, 0,63 мм ўлчамли элак орқали ўказилди. Ҳосил бўлган гранулалар  $45 \pm 5$  °C ҳароратда 30 - 45 дақ давомида қуритилди. Қуритилган гранулалар 100 мкм диаметрли элакдан ўтказилган 0,5 г кальций стеарат билан упаланди ва Pharma Chem Industries (Ҳиндистон) фирмасининг капсула тўлдирувчи машинасида «0» рақамли бўш желатин капсулаларига 0,45 г дан тўлдирилди. Капсулалар ўртача оғирлиги XI ДФ талабларига жавоб берди.





4– расм. «Экустим» капсуласи аппаратура чизмаси

1- ВЛ-лаборатория тарозиси; 2 – МС-элак; 3 - Е-элаш учун идиш; 4-СШ-куритгич шкафи; 5- МЗ-капсула тўлдирувчи машина; 6 - СМ -аралаштиргич; 7 - П - противень; 8 - М - спирт ўлчагич; 9, 10 - ГФ - стол.

«Экустим» капсуласини олиш технологияси «Navkar Group» МЧЖ тажриба-саноат шароитида синовдан ўтказилиб, тажриба-саноат технологик регламенти тузилди ва ушбу технология ишлаб чиқаришга жорий этиш учун қабул қилинди.

Тўртинчи боб «Экустим» препарати субстанцияси ва капсула дори шаклини стандартлаш» деб номланган. «Экустим» субстанцияси жигар рангли, ширин мазали, гигроскопик, ўзига хос хидга эга кукун. Препарат чинлигини XI ДФ мақоласи бўйича асосий таъсир этувчи моддалар: флавоноидлар йиғиндиси, ошловчи ва органик кислоталар йиғиндисига сифат реакциялари билан аниқланди. Қолдиқ намлик 3-4 % ташкил қилди. Флавоноидлар йиғиндисининг миқдорий таҳлили спектрофотометрия усулида миқдори 1 % кам бўлмаслиги, ошловчи моддалар йиғиндиси 2 % дан кам бўлмаслиги ва органик кислоталар 3,5 % дан кам бўлмаслиги титрлаш орқали аниқланди. «Экустим» субстанцияси яроқлилик муддати 2 йил деб белгиланди. Ўтказилган тадқиқотлар асосида корхона фармакопея мақоласи ишлаб чиқилди.

«Экустим» капсуласини стандартлаш. 1 та капсула таркиби: «Экустим» препарати субстанцияси – 0,35 г, МКЦ – 0,095 г, кальций стеарат – 0,005 г. «0» рақамли қаттиқ тиниқ (шаффоф) желатин капсулалари, корпуси ва қопқоғи сариқ ёки бошқа рангда. Капсула ичидаги масса жигар ранг, ўзига хос специфик хидга эга гранулалар. «Экустим» капсуласи чинлиги «Экустим» субстанциясиникига ўхшаб аниқланди. Ўртача масса оғирлиги 405 дан 495 мг оралиғида бўлиши керак. Парчаланиши - 15 дақ, эриши - камида 75 % бўлиши керак. Миқдорий таҳлил битта капсулада флавоноидлар йиғиндиси миқдори бўйича ўтказилиб, уларнинг миқдори камида 3,8 мг/капс, ошловчи моддалар йиғиндиси миқдори камида 6,3 мг/капс бўлиши керак. «Экустим» капсуласининг яроқлилик муддати камида 2 йил. Ўтказилган

тадқиқотлар асосида «Экустим» капсуласига корхона фармакопея мақоласи лойиҳаси ишлаб чиқилди.

«Экустим» субстанция ва капсулалар бўйича тегишли материаллар «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУК га рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган.

## ХУЛОСА

1. Илк бор 8 хил маҳаллий доривор ўсимлик хомашёси: дала қирқбўғими ўти, тукли эрва ўти, янтоқ ўти, ер бағрлаган темиртикан ўти, тубулғибаргли бўймодарон ўти, бодринг уруғлари, маккажўҳори попути, қизилмия илдизи қуруқ экстрактлари комбинацияси асосида ЎзР патенти билан ҳимояланган янги диуретик «Экустим» дори воситаси тақлиф қилинган.

2. «Экустим» препарати субстанциясини олиш оптимал шароити топилди ва технологияси ишлаб чиқилди, унда доривор ўсимликлар хомашёси аралашмасини 3 маротаба сувда, 80-90 °С ҳароратда, 1:30, 1:15 ва 1:7 нисбатларда, 3 соат давомида экстракция қилиш, кейинчалик қуюқлаштириш ва вакуум-қуритгичда 60-70 °С да доимий массагача қуритиш кўрсатилиб, субстанция унуми 19,2 % ташкил қилади.

3. «Экустим» субстанцияси ва капсула дори шаклини ишлаб чиқариш технологиялари «Navkar Group» МЧЖ да тажриба- саноат шароитида синовдан ўтказилиб, олинган натижалар асосида тажриба - саноат технологик регламентлари тузилган ва ишлаб чиқаришга тавсия этилган.

4. «Экустим» препаратининг диуретик фаоллиги ва беззарарлигининг клиник олди текширувлари ўтказилиб, 150 мг/кг дозада «Экустим» препарати пешоб ажралишини назорат гуруҳига нисбатан 86 % ошиши ва оригинал пешоб ҳайдовчи йиғма №2 га нисбатан 28 % га ошиши ҳамда препарат кам заҳарли моддалар қаторига кириши билан изоҳланади.

5. «Экустим» препарати субстанцияси ва капсула дори шаклини сифат назорати усуллари тавсия этилган ва корхона фармакопея мақолалари лойиҳалари тузилган ҳамда рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУКга тақдим этиш бўйича амалий жиҳатлари ҳал қилинган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 27.06.2017. FAR.32.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ХУДАЙБЕРДИЕВ ОЛЛОКУЛ ИСАКОВИЧ**

**ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ ДИУРЕТИЧЕСКОГО  
ЛЕКАРСТВЕННОГО СРЕДСТВА «ЭКУСТИМ» НА ОСНОВЕ  
МЕСТНОГО ЛЕКАРСТВЕННОГО СЫРЬЯ**

**15.00.01 – технология лекарств**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент -2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по фармацевтическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В.2018.1.PhD/Far31.**

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.pharmi.uz](http://www.pharmi.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу: [www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Азизов Умархон Мухтарович</b> доктор химических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты</b>	<b>Юнусова Холида Маннановна</b> доктор фармацевтических наук, профессор <b>Халилов Равшан Муратджанович</b> доктор технических наук, старший научный сотрудник
<b>Ведущая организация:</b>	<b>ГУП «Государственный центр экспертизы и стандартизации лекарственных средств, изделий медицинского назначения и медицинской техники»</b>

Защита диссертации состоится « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2019 г в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSC.27.06.2017.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (99871) 256-37-38, факс: (99871) 256-45-04, e-mail: [pharmi@pharmi.uz](mailto:pharmi@pharmi.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер \_\_\_\_ ) по адресу: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2019 года

(Реестр протокола № \_\_\_\_ от « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2019 года)

**И.И. Алимджанов**

Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.м.н., профессор

**Ё.С. Кариева**

Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.ф.н., профессор

**Ф.Ф. Урманова**

Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.ф.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире диуретические препараты широко применяются при патологии сердечно-сосудистой системы. По данным Всемирной организации здравоохранения у 50-65% взрослого населения мира (60-65 лет) наблюдается артериальная гипертония. На сегодняшний день диуретические препараты в основном получают синтетическим путем, и они имеют несколько нежелательных побочных эффектов. В связи с этим особое значение имеет разработка диуретических лекарственных средств на основе лекарственного растительного сырья.

В настоящее время во всем мире уделяется особо важное значение разработкам технологии производства высокоэффективных диуретических лекарственных средств для качественного лечения заболеваний, сопровождающихся задержкой жидкости в организме. В связи с этим, использование лекарственного растительного сырья при получении комплексного состава экстрактов; изучение показателей при полном выделении биологически активных веществ предусматривает создание удобных в использовании лекарственных форм на основе этих экстрактов.

В республике особое внимание на фоне реформ, проводимых в системе здравоохранения, уделяется развитию фармацевтической промышленности, обеспечению населения качественными, безопасными и доступными лекарственными средствами. В четвертом направлении стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 гг намечены важные задачи, «дальнейшего развития фармацевтической промышленности, улучшению обеспечения населения и лечебно-профилактических предприятий доступными, эффективными лекарственными средствами и медицинскими изделиями...»<sup>1</sup>. Образованные свободные экономические зоны такие как «Зомин-фарм», «Паркент-фарм», «Сырдаре-фарм», «Косонсой-фарм», «Бустанлик-фарм», «Нукус-фарм» являются приоритетными направлениями развития данной отрасли. В связи с этим, учитывая богатый арсенал лекарственных растений, используемых в народной медицине по разработке технологий получения на их основе лекарственных средств является одним из актуальной, научно-прикладной задачей.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 г «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»<sup>1</sup>, ПП-3532 от 14 февраля 2018 года «О дополнительных мерах по развитию производства лекарственных растений на местных предприятиях», ПП-3489 от 23 января 2018 г «О мерах по дальнейшему упорядочению производства и ввоза лекарственных средств и изделий медицинского назначения» а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям**

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // «Народное слово», 8 февраля 2017 года.

**развития науки и технологии республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** Издавна известно использование лекарственных растений в народной медицине в качестве диуретических средств, указанных в трудах Абу Али Ибн Сино и др. В монографии Х.Х. Холматова «Растения Узбекистана с диуретическим эффектом» (Ташкент: Медицина, 1979) приведены 44 растения отечественной флоры, применяемые в качестве диуретических средств. Необходимо отметить исследования отечественных ученых С. Искандарова, С.Н. Аминова, А.С. Тураева, Ш.Ш. Сагдуллаева, Х.М. Камилова, Ф.Ф. Урмановой, У.М. Азизова по созданию новых лекарственных средств, в том числе диуретических препаратов на основе местного лекарственного сырья.

В справочнике М.Д. Машковского «Лекарственные средства» (Из-во «Новая волна»: М., 2001) приведены разрешенные к медицинскому применению в качестве диуретических средств лекарственные растения: можжевельника плоды, толокнянки листья, хвоща полевого трава, ортосифона тычиночного листья, брусники листья, василька синего цветки, березовые почки, мочегонные сборы №1, №2. В трудах Российских ученых Н.Г. Ковалевой, А.Ф. Гаммерман, Г.Н. Калаева, А.А. Яценко-Хмелевского, С.М. Николаева, Т.Д. Даржилова приводится ряд прописей диуретических средств, получаемых на основе комбинации лекарственных растений. Научные исследования по созданию диуретических лекарственных средств и изучению их действия проведены зарубежными учеными N. Kreiger, L.H. Orie, M. Rebuelta и другими.

Настоящая диссертационная работа является первым научным исследованием по разработке состава и технологии нового диуретического средства на основе комбинации экстрактов 8-ми лекарственных растений и разработке ее капсулированной лекарственной формы, методов оценки качества, изучению фармакологических свойств, безвредности и рекомендаций по применению препарата в медицинской практике.

